



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 69 (13.916)

Баҳоси эркин нарҳда



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРГИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларининг кенгайтиши ва мустақамланишида, турли соҳалардаги серкирра ҳамкорлик ривожига кузатилаётган барқарор ижобий тенденцияни катта мамнуният билан қайд этдилар.

Товар айирбошлаш ҳажми изчил ортиб, ишлаб чиқариш кооперацияси кўлами кенгаймоқда, энергетика, транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланмоқда.

Чегараолди вилоятлар ҳокимлари кенгаши ҳамда Парламентларо ҳамкорлик бўйича комиссия йиғилишлари шерикликни янада кенгайтиришда катта салоҳият ва қатъий интилиш мавжудлигини кўрсатди.

Сўхбатда илгари эришилган келишувларни изчил амалга ошириш, ҳудудларо ҳамкорлик имкониятларини тўлиқ ишга солиш, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Президентлар минтақавий инфратузилма лойиҳаларини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар. Хусусан, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга ошириш муҳим ва иқтисодий жиҳатдан долзарб экани таъкидланди.

Томонлар ушбу лойиҳани барча иштирокчилари ўртасида ўзаро аниқлаш мавжудлигини ва уларнинг ҳамкорликка тайёр эканини мамнуният билан қайд этдилар.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари қардош халқларимиз фаровонлиги ва манфаати йўлида ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги аънавий дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустақамлаш борасида интилишлари қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ: ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Корея Республикаси Қонунчилик вазирлиги ҳамкорлигида "Қонун ижодкорлигида замонавий ёндашувлар: Ўзбекистон ва Корея тажрибаси" мавзусида халқаро семинар ўтказилди.

Халқаро семинарда депутатлар ва Сенат аъзолари, Корея Республикаси қонунчилик вазири Ким Вэ Сук бошчилигидаги хорижий делегация аъзолари, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ходимлари, етакчи олимлар ва соҳа мутахассислари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани Паданг қишлоғида "Бойсун баҳори" очик фольклор фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда Сурхондарё вилоятининг "Бойсун" фольклор-этнографик жамоаси биринчи ўринни кўлга киритди. Қорақалпоғистон Республикасининг "Бес перде", Жиззах вилоятининг "Богдон гуллари" жамоалари иккинчи, Тошкент вилоятининг "Қурама", Фарғона вилоятининг "Сўх чашмаси", Сирдарё вилоятининг



9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

ЁШИ УЛУҒЛАРИ АРДОҚЛАНГАН ЮРТДА ҚУТ-БАРАКА, ФАЙЗ БЎЛАДИ

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида бир ғуруҳ фахрийларга Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони топширилди. Тантанали тадбирда Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Васийлик кенгаши ва бошқаруви аъзолари, сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, отахон ва онахонлар, фаол ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, "Нуроний" жамғармаси Васийлик кенгаши раиси А.Абдуҳакимов, "Нуроний" жамғармаси бошқаруви раиси Ш.Жалилов юртимизда ёши улуг ҳамюртларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг кўнглини кўтариш доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони юртимиз кексалари ҳаётида янги даврни бошлаб берди. 2017 йил февралдан пенсияларни нақд пул билан бериш қатъий йўлга қўйилди. Жорий йилнинг январь ойида эса ишловчи кексаларга тўлиқ миқдорда пенсия берилмоқда. Ёши улугларга нафақаларни даромад бўйича ҳисоблашда аввалгидай энг кам маошнинг 8 баробари эмас, балки энг кам иш ҳақининг 10 баробари асос қилиб олинадиган бўлди.

Отахон ва онахонлар учун мамлакат ҳудудларида "Нуронийлар маскани" бунёд этилмоқда. Шу кунгача мўлжалдаги 200 та маскандан 130 таси қурилиб, фаолият кўрсатмоқда.

Президентимизнинг тегишли қарори асосида узоқ йиллар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим, илм-фан, санъат, тиб-

биёт, юриспруденция ва бошқа соҳаларда самарали меҳнат қилган, шунингдек, корхона ва ташкилотларда ишламаган, лекин оила мустақамлигини таъминлаш, фарзандларни ҳар жиҳатдан баркамол шахс этиб voyга етказишда, маҳалла ҳаётида муносиб ҳисса қўшган ҳамюртларимизнинг каттагина ғуруҳи 2017-2018 йилларда I, II ва III даражали "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланди. Уларга пул мукофотлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Бу йил ҳам ушбу эзгу аънава давом эттирилиб, кўплаб ватандошларимиз "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонига муносиб топилди. Тадбирда ушбу фахрий нишон, пул мукофоти ва эсдалик совғалар ўз соҳибларига тантанали тарзда топширилди.

Мукофотланганлар сафида юрт тинчлиги деб ўз оромидан, ҳаловатидан кечган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси, генерал-полковник Зокиржон Алматов ҳам бор.

– Нуронийларнинг меҳнати, уларнинг фидойилиги шундай эъзозланганидан гоят миннатдорман, – дейди З.Алматов. – Ёши улуглари ардоқланган юртда кут-барака, файз бўлади. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ҳуқуқбузарликдан, турли нохуш ҳолатлардан асрашда бугун барча масъулдир.

Ўзбекистон Қаҳрамони Исахон Бахромов Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги "Саидносирхон" фермер хўжалигининг раҳбари. Умри деҳқончиликда ўтган Исахон ота ер билан тиллашиб, ундан мўл ҳосил ундиришининг сир-синоатини яхши билади. Исахон отанинг айтишича, бундай фахрли нишонга турли соҳа вакиллари қамраб олингани Президентимизнинг ёши улугларга кўрсатаётган чексиз меҳр-эътиборининг амалий ифодасидир.

Отасидек мард ва танти Олмосхон Аҳмедова кўп йиллардан буён халқимизнинг севимли шоири Фафур Фуломнинг ижодий меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, уни ёшларга тарғиб этишда фаол ҳисса қўшмоқда.

– Маданият ва санъат янада раванқ топаётган, ёшларига гам-хўрлик, кексаларига меҳр ва эътибор кўрсатилаётган шундай юртда яшаётганимдан беҳад бахтиёрман, – дейди опа. – Юртимизда ҳалол меҳнат фахр, қадр топаётгани катта авлод вакиллари бундай мамнун этмоқда.

Шўхчан мусиқа янграйди. Фарштадек оналаримиз рақсга тушганида залга янада кўпроқ файз кириб келгандек гўё. Тадбир якунида санъат усталари ижросида намойиш этилган мусиқий дастур барчага бирдек манзур бўлди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги "Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5538-сон Фармонида мувофиқ:

1. Куйидагилар:
а) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унда куйидагилар назарда тутилсин:
Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) Уқувчиларнинг таълим соҳасидаги ютуқларини баҳолаш бўйича халқаро дастур рейтинг бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илгор мамлакатига қаторига киришига эришиш;

узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек, профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш; ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг куйидагилар орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишларини фаоллаштириш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин:

кимё ва нефть-газ саноати, машинасозлик соҳасидаги хўжалик юртувчи субъектлар, банк-сугурта ташкилотлари устив капиталларидаги давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун тайёр инвестиция тақлифларини ишлаб чиқиш;

инвестиция ва бизнес форумлар, тақдимотлар ("Road Show") ва маркетинг кампаниялари имкониятларидан кенг фойдаланиш; давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича устувор йўналишларни ташкил этиш.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўққизинчи япни мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи япни мажлиси 2019 йил 3 май куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 2 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

САДИДА АЪНАВИЙ ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН "ЙИЛ ҲАМШИРАСИ" КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСКИЧИДА ТАНЛОВНИНГ ТУМАН ВА ШАҲАР БОСКИЧЛАРИДА ГОЛИБЛИКНИ КЎЛГА КИРИТГАН 13 НАФАР ҲАМШИРА ИШТИРОК ЭТДИ.

ЖАҲОНДА

• Санкт-Петербургда Иккинчи жаҳон уруши давридан қолган ўқ-дориларнинг портлаши натижасида бир киши жароҳатланиб, касалхонага ётқизилди.

• АКШнинг Калифорния штатидаги Сан-Диего шаҳридаги синагогда амалга оширилаётган ибодат пайтида номаълум кимсанинг одамларга қарата ўқ отиши натижасида бир киши ҳалок бўлди, уч нафар одам жароҳатланди. Полициячиларнинг тезкор хатти-ҳаракатлари натижасида ушбу қабиҳ ҳунрезликни амалга оширган шахс – калифорниялик 19 ёшли йигит қўлга олинди. Ҳозирда ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш;
халқ таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;
ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш;
давлат-хусусий шериклини ривожлантириш ҳисобида давлат таълим тизимида рақобат мўҳитини кенгайтириш;
ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган **бешта ташаббусни амалиётга татбиқ** этиш;
халқ таълими тизимида фаолият кўрсатишнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш;
6) **Ўзбекистон Республикасининг халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2019 йилда амалга ошириш бўйича "Йўл харита"си** (кейинги ўринларда – "Йўл харита"си) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
Концепция тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлар ва асосий йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар йили алоҳида тасдиқланадиган "Йўл харита"си ор-

қали босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.
2. **Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги**га: ҳар йили 1 декабрга қадар ўтаётган йил бўйича тасдиқланган "Йўл харита"сини пухта ўрганиш асосида келгуси йил учун "Йўл харита"си лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш;
"Йўл харита"ларининг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг юритиш ва унинг натижаларини **ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига** тақдим этиб бориш вазифалари юклансин.
3. Қуйидагилар мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:
республика бюджети маблағлари;
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари;
имтиёзли хорижий кредитлар ва грантлар;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.
4. Қуйидагиларга:
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухалимовга – Концепция ва "Йўл харита"сини ижро этиш юзасидан масъул вазирликлар ва идоралар фаолиятини самарали ташкил қилиш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш, "Йўл харита"лари бажарилиши юзасидан ўтказилган мониторинг натижасида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига – Концепция ва "Йўл харита"сида назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш юзасидан;
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х.Шерматовга – Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.
5. **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси** оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ҳамда мавзуга оид кўрсатувлар ташкил этсин.
6. **Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги** манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2019 йил 29 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Қуйидагилар:
Инвесторларга, шу жумладан, хорижий инвесторларга сотиш учун тақлиф қилинадиган хўжалик жамиятларининг устав капиталларидаги давлат акциялар (улушлар) пакетлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;
Белгиланган тартибда сотиладиган давлат активлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;
Хорижий инвесторларга тақлиф қилинадиган инвестиция тақлифлари рўйхати 3-иловага мувофиқ;
2019 йилда Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этиши учун тавсия қилинадиган халқаро иқтисодий ва инвестициявий форумлар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси (А.Н.Арипов) икки ҳафта муддатда инвесторларга сотиладиган хўжалик жамиятлари давлат акциялари (улушлари) пакетларини баҳолаш ва савдога қўйиш графикаларини тасдиқласин.
Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясига хўжалик жамиятлари давлат акциялари (улушлари) пакетларини хорижий инвесторларга сотиш шартлари ва усулларига ўзгариш киритиш ҳуқуқи берилсин.
4. **Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодийёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил куз фаслида Тошкент шаҳрида Тошкент халқаро инвестиция форумини** (кейинги ўринларда – Халқаро инвестиция форуми) ўтказиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.
5. Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) 5-иловага мувофиқ тузилсин.
Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
6. Ташкилий қўмитага (Арипов):
зарур ҳолларда, Халқаро инвестиция форумини молиявий, юридик ва ахборот жиҳатдан таъминлаш учун етакчи хорижий компанияларни жалб қилиш;
Халқаро инвестиция форуми дастури ва уни ўтказишнинг аниқ санаси, шунингдек, унга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш бўйича харажатлар сметасини тасдиқлаш;
истиқболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бўйича дастлабки ТИА ва бошқа лойиҳа ҳужжатларини лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқишни таъминлаш ҳуқуқи берилсин.
7. **Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси** истиқболли инвестиция лойиҳаларини Ташкилий қўмитага тақдим қилган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг Халқаро инвестиция форумида фаол иштирок этишларини таъминласин.
8. **Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги** ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги:
2019 йил давомида мунтазам равишда йирик халқаро бизнес ва молиявий хабарга мақсадли аудитория учун мўлжалланган тақдиротлар билан таширф бюрган ҳолда **"Road Show"** дастурларини ишлаб чиқсин ва тақдим этсин;
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикасида инвестициявий резидентлик тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин; икки ой муддатда маркетингнинг энг янги технологияларидан фойдаланиш, мамлакатнинг ягона интеграци-

ялашган брендини яратиш ва илгари суриш ҳамда стратегик коммуникациялар бўйича халқаро маслаҳатчиларни жалб қилиш орқали халқаро бизнес аренада Ўзбекистоннинг ижобий имижини илгари суриш бўйича **"Invest in Uzbekistan"** – ягона, мувофиқлаштирилган ахборот кампаниясини ишлаб чиқсин.
9. Қуйидагиларга:
Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири **С.У.Умурақов** зиммасига – вазирлик ва идораларнинг Халқаро инвестиция форуми доирасида хорижий инвесторларга тақлиф қилинадиган инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан;
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири **А.Х.Камил**ов ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари зиммасига – Халқаро инвестиция форумида қатнашиши учун потенциал инвесторлар ва хорижий мамлакатларнинг ишбилармон тузилмалари вакиллари тақлиф қилиш ва уларнинг фаол иштирокини таъминлаш юзасидан;
тармоқ вазирлик ва идоралари раҳбарлари зиммасига – тегишли соҳаларда истиқболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ташкилий қўмитага тақдим қилиш юзасидан;
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига – Халқаро инвестиция форумида тегишли ҳудудларнинг фаол иштирокини таъминлаш, унинг инвестициявий салоҳиятини тақдим қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.
10. **Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги**:
хорижий мамлакатларда "Road Show"да иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси делегацияси вакилларига қўмаклашсин;
Халқаро инвестиция форумининг хорижий иштирокчилари учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг виза талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасига кириш визалари белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан расмийлаштирилишини таъминласин;
Халқаро инвестиция форумининг ўтказилишини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари орқали кенг ёритишни таъминласин.
11. **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари** ҳар бир етарли ҳолда тақлиф қилинадиган бўш турган давлат мулк объектлари, шу жумладан, махсус туристик зоналар ҳудудларида жойлашган объектлар бўйича инвестиция лойиҳалари материалларининг инглиз ва рус тилларидаги тақдирот каталогини ҳар ой тайёрласин ва киритсин.
12. **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги** Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодийёт ва саноат вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:
2019 йил 1 июлга қадар хорижий инвесторлар учун иқтисодийётнинг турли тармоқларида инвестициявий талаб ва потенциал лойиҳалар, зарур тақдирот материалларини тайёрласин;
2019 йил давомида мамлакатда кенг миқёсда ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги, инвестиция киритиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар ва ишбилармонлик муҳитининг яхшиланганлиги тўғрисида, энг аввало, хорижий ишбилармонлар, тадбиркорлар, потенциал инвесторлар, давлат ва жамоат арбоблари орасида тарғибот ва кенг хабардор қилиш масалалари бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;
Халқаро инвестиция форуми доирасида, амалга оширилаётган ислохотлар, инвестиция лойиҳаларининг дол-

зарб жиҳатларига бағишланган, шу жумладан, тармоқ вазирлик ва идоралари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, мутахассислар ва тадбиркорлар, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг иштирокида брифинглар, матбуот анжуманлари, давра суҳбатларини ўтказсин;
Интернет тармоқларида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тармоқ ислохотлари, ҳар бир амалга оширилаётган инвестиция лойиҳасининг асосий параметрлари, лойиҳаларни амалга ошириш кафолатлари, уларнинг рақобатдаги устуниликлари ва бошқалар тўғрисида батафсил ва тушунарли расмийлаштирилган ахборот ресурсларини тайёрлаш борасидаги ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминласин.
13. **Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Халқаро инвестиция форумини ўтказиш кунларида хорижий иштирокчиларнинг тегишли ҳудудларда жойлашган маданий-тарихий объектларга ташрифини юқори даражада ташкил этиш чораларини кўрсин.
14. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг** захира жамғармаси маблағлари ва қўнчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар Халқаро инвестиция форуми ва "Road Show"ни ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси вакиллари учун халқаро инвестиция ва бизнес форумларида иштирокига оид тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.
15. **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги** ҳузуридаги Давлат-хусусий шериклини ривожлантириш агентлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган **2019 йилда ишлаб чиқиши лозим бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари рўйхати** 7-иловага мувофиқ маъқуллансин.
Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг тўлақонли бажарилиши учун зарур бўлган молиявий-иқтисодий ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.
16. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПК-3953-сонли қарори** билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати қуйидаги мазмундаги 31 ва 32-бандлар билан тўлдирилсин:
"31. **Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги** ва унинг ҳудудий бўлиmlарига, шу жумладан, хорижий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хусусийлаштирилмаган ёки хўжалик жамиятларининг устав фондларида давлат улуши сифатида ўтказиладиган давлат активларини баҳолаш хизматлари.
32. Давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш ҳамда маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида IPO (SPO) бўйича эмиссияларни жойлаштириш учун жалб қилинадиган инвестиция воситачилари, маслаҳатчилари, шу жумладан, хорижий маслаҳатчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий бўлиmlарига кўрсатадиган хизматлари".
17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.М.Фаниев ва Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2019 йил 29 апрель

ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ: ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш лозимки, ўтган қисқа даврда Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари раҳбарларининг учрашувлари ва ўзаро яқин ҳамкорлиги натижасида Ўзбекистон ва Корея Республикаси муносабатлари алоҳида стратегик шериклик мақомига кўтарилди. Икки давлат ўртасида барча соҳада бўлгани каби парламентларо ҳамкорлик, қонун ижодкорлиги соҳасида ўзаро самарали алоқалар йўлга қўйилди. Жумладан, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзолангани бу борада муҳим амалий қадам бўлди.
Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори Раҳимжон Ҳакимов юртимизда Норма ижодкорлиги концепциясини ҳаётга татбиқ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларга тўхталиб, Корея Республикасининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд этди.
Ўз навбатида Корея Республикаси қонунчилик вазири Ким Вэ Сук Ўзбекистонда Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси асосида қонун ҳужжатларини янада ихчамлаштиришга, тўғридан-тўғри ишловчи қонунларнинг парламент томонидан қабул қилинишига алоҳида эътибор қаратилганлигини юқори баҳолади.
Семинар доирасида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ва Корея Республикаси Қонунчилик вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув Меморандуми имзоланди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР ЮКСАЛМОҚДА...

Тошкент шаҳар Ёшлар марказида XIV халқаро конференциялар туркуми доирасида "Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларнинг ривожланиши" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Иқтисодийёт назарияси" кафедраси томонидан Истанбул Сабахаттин Заим университети, Анкара Ифаккур ва изланиш маркази (ADAM) ва Туркиянинг ТИКА халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда икки университетнинг ўзаро дўстона алоқалари билан биргаликда келажакда қилинадиган ишлар ҳақида суҳбат олиб борилди. Бундан қўзланган мақсад эса Ўзбекистон ва Туркиянинг дўстона алоқаларини янада мустаҳкамлашни билан ўзаро илиқ муносабатларни янада бойитишдир. Конференцияда Истанбул Заим университети ректори шу билан бирга ТИКА Тошкент дастури координатори ва бошқалар маъруза қилишди. Улар қишларда юртимизнинг буюк алломалари, сиймолари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди. Шу билан бирга Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет ҳақида ҳам сўз юритилди. Келгусида ёшлар учун қулай шароитлар ва уларнинг ўқишида эса бир қанча янгиликлар қилиниши ҳақида сўз борди. Бундан ташқари, Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожланиши хусусиятларини аниқлаш, иқтисодийётни ислоҳ қилишнинг миллий модели хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг инновацион усулда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, миллий иқтисодийётга фаол ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни янада такомиллаштириш, мамлакатнинг сайёҳлик салоҳиятини кенгайтириш бўйича тақлифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Адиба РАҲМАТУЛЛАЕВА

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- **Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган "Инвестор қуни" тадбирида пойтахтимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалар равақига ҳисса қўишни мақсад қилган тадбиркор ҳамда ишбилармонларнинг турли йўналишдаги лойиҳалари қўриб чиқилди.**
- **Сергей туманида 4580 дан ортққ бўш иш ўринлари бўйича ярмарка ўтказилди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Хитой фанлар академияси Кунминг институти билан ҳамкорликда Халқаро пилэ боғи Тошкент маркази ташкил қилинди.**
- **Тошкентдаги Инҳа университетида дастлабки кириш имтиҳони бўлиб ўтди.**
- **Пойтахтимизнинг "Зарафшон" концерт залда Ўзбекистон Маданият вазирлиги ҳамда "Ардус" қўшма корхонаси билан ҳамкорликда "Sharq atirguli" болалар ва ёшлар ижоди халқаро кўрик-танлов фестивали ўтказилди.**

Футбол янгиликлари

ТУРНИРГА ТОШКЕНТ МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Азамат Абдураимов бош мураббийлигидаги 16 ёшли футболчилардан таркиб топган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоамиз айни кунларда келгуси йили ташкиллаштирилган Осиё чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш мақсадида Осиё чемпионати саралаш турнирига тайёргарлик кўрмоқда.

Шуниси эътиборлики, ЎФА томонидан ўсмирлар терма жамоамизнинг халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши учун барча кулайликлар ва шароитлар яратиб берилмоқда.

Азамат Абдураимов шогирдларига қўша биринчилиги саралаш турнирида муваффақият қозонишларини таъминлаш мақсадида ва ўсмирларимизга қўшимча кулайлик яратиш учун ЎФА ОФКга сўровнома юборганди. Унда Тошкент ўсмирлар ўртасида ўтказилган қўша биринчилиги саралаш турнирига мезбонлик қилишга тайёр эканлиги айтилганди. ОФК футболимиз мутасаддиларининг ушбу талабини қондирди. Энди пойтахтимиз Тошкент ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш турнирининг гуруҳ босқич ўйинларига мезбонлик қилади. Фарбий ҳудуддан ўрин олган Иордания, Эрон, Ўзбекистон, Саудия Арабистони, Қатар, Қирғизистон ўсмирлар терма жамоалари сентябрь ойида Тошкентда Осиё чемпионати йўлланмаси учун кураш олиб боришади.

МУРАББИЙЛАР УЧУН ЎҚУВ КУРСЛАРИ

Пойтахтимиздаги "Чигатой" спорт мажусида мураббийлар иштирокида ОФК ҳамда ЎФА ҳамкорлигида ташкиллаштирилган "А" дипломи учун ўқув курсларининг биринчи модули якунига етди.

ЎФК ва ОФКнинг "А" дипломи учун ҳамкорликда ташкиллаштирилган халқаро мураббийлик курсларининг биринчи модулида 24 нафар мутахассис малака оширди. Курсларни ОФК ва ФИФА инструктори Ислому Аҳмедов бошқарган бўлса, унга Даврон Қудратуллаев координатор сифатида ёрдам берди. Курсларда мураббийларга футбол олимпиададаги сўнгги янгиликлар ҳақида тўлиқ маълумот берилди. ОФКнинг мураббийлар бўйича Конвенциясига кўра, мураббийлик курслари 5 та модуль тизимида ўтказилади.

ХАЛҚАРО ЛОЙИҲА ИШТИРОКЧИЛАРИ САРАЛАНДИ

Бутун жаҳондаги ёш авлод ўртасида дўстлик, тинчлик, турли миллат ва маданият вакилларига ҳурмат каби юксак инсоний тушунчаларни тартиб қилиш мақсадида ФИФА ва "Газпром" компанияси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Футбол дўстлик учун" халқаро болалар лойиҳасининг еттинчи мавсуми давом этмоқда.

Дунёнинг 211 та мамлакат вакиллари иштирок этаётган "Футбол дўстлик учун" халқаро лойиҳасининг якуний тадбирлари 28 май – 2 июнь кунлари Испаниянинг пойтахти Мадрид шаҳрида бўлиб ўтади. Лойиҳанинг ўзига хослиги шундаки, жорий

йилда экология муаммоларига катта аҳамият қаратилади. Шу боис бутун дунёдан келадиган болалардан ташкил топадиган футбол жамоалари ноёб ва йўқолиб бораётган жониворлар номи билан аталади.



АНИҚ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Келгуси йилнинг 8-26 январь кунлари Таиланд футбол бўйича 23 ёшгача бўлган чарм тўп усталаридан таркиб топган олимпия терма жамоалари ўртасидаги Осиё чемпионати мезбонлик қилади.

Мазкур қўша биринчилигида 1-3-ўринларни эгаллаган терма жамоалар 2020 йил ёзида Япония пойтахти Токиода уюштирилган ёш Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Мухлисларнинг ёдида бўлса, Ўзбекистон олимпия терма жамоамиз Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионати саралаш турнири гуруҳ босқичида қўша биринчи-

лиги йўлланмасини қўлга киритган эди.

ЎФА ташаббуси билан мутахассислар, мураббийлар иштирокида ўтказилган йиғилиш олимпия терма жамоамизнинг Таиландда ўтказилган қўша биринчилигига тайёргарлиги масаласига бағишланди.

Унда олимпиячилар учун йиғинлар ташкил этиш ва кучли рақибларга қарши ўртоқлик ўйинлари ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, терма

жамоага номзод ҳар бир футболчининг жисмоний, руҳий ҳолатини мунтазам назорат қилиш, ЎФА мутахассислари ҳам бу ҳолатдан хабардор қилиниши, футболчиларнинг муаммоларини бартараф этиш мураббийларга эслатиб ўтилди. Йиғилиш якунида ёш Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиш учун ЎФА ҳамда мураббийлар томонидан ба- жариландиган вазифалар режаси белгилаб олинди.

Мазкур лойиҳада ЎФА учинчи марта иштирок этади. Бу йил юртимиз шарафини ёш дарвозабон, ҳимоячи, ярим ҳимоячи ҳамда мураббий ҳимоя қилишади. Шу муносабат билан ЎФАнинг сунъий қопламали майдонида уч босқичдан иборат номзодларни саралаб олиш жараёни бўлиб ўтди. Саралаш жараёнида энг яхши жисмоний ҳолатга эга бўлган, ҳорижий тилларда сўзлаша олган ва атрофдагилар билан мулоқотда маҳорат кўрсатган номзодлар Испанияга борадиган бўлишди. Унга кўра, жорий йил "Футбол дўстлик учун" лойиҳасида Ўзбекистон шарафини "Насар", "Чигатой", "Яшнобод", "Бунёдкор" жамоалари тарбияланувчилари – Асилбек Нўмонов, Абдулла Турсунбоев, Асадбек Рузимов ва Марина Коеникова ҳимоя қилишади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Қилмиш – қидирмиш

СОТАМАН ДЕБ...

Жамшид Шопўлатов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 1985 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.

Бир нафар вояга етмаган фарзанди бор. Муқаддам жиноят ишлари бўйича Чирчиқ, Тошкент шаҳар, Сергели туман судлари томонидан турли жиноятларни содир этгани учун судланган. Қилмишдан тўғри хулоса чиқариб олмаган.

У 2018 йил 9 октябрь куни ўзганинг мулкини алдаш ва ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан "Бектўпи" савдо мажмуасининг автотураргоҳида Абдухалил Маҳмудовнинг ишончига қиради. Тадбиркорнинг умумий баҳоси 40 млн. сўмдан ортиқ маҳсулотни икки кун муддат ичида танишларига сотиб беришни ваъда қилиб қўлга киритади.

– Тез кунда сотиб бераман, ака, ишонинг, – дейди Ж.Шопўлатов.

Жамшид маҳсулотни қўлга киритгач, уларни арзон нархда сотиб юборади. А.Маҳмудовга берган ваъдасини унутди. Оқибатда мулк эгасига 40.824.000 сўм миқдорда моддий зарар етказди.

Кейинги пайта Ж.Шопўлатовга ўхшаган фирибгарлар кўпайиб кетди...

Бундай фирибгарлар суд мажлисида безрайиб айбига иқдор бўлишдан ҳам тоймайди. Ж.Шопўлатов ҳам айбига иқдор бўлди. Кейин айбни ўзидан қидирмади. Эмишки маҳсулот сифатсиз бўлгани учун сотолмаган. Аслида унинг бир нечта танишларидан қарзи бўлган.

Жабранувчи 58 донга қўтилардаги маҳсулотини ўзи билан қайтариб олиб кетган. Ва Ж.Шопўлатовга чора қўриш учун ички ишлар бошқармасига ариза билан мурожаат қилган. Шундан сўнггина айбдор жаб-

ранувчига 11 ярим млн. сўм келтирган зарарни қоплади. Қолган 28 ярим миллион-чи?

Аслида берилган пулнинг маҳсулот учун ўз вақтида қайтмаслигида мулк эгасининг ҳам айби бор. Танимаган, синалмаган одамга 40 миллион сўмлик маҳсулотни ўз қўли билан тутказган. Хожатбарорни Ази-за исмли таниши орқали топган. Унинг ишончли шерик эканлигини текширмаган.

Орадан анча вақт ўтса ҳамки маҳсулот пуллари қайтмаган.

– Бўлмаса маҳсулотни қайтар, – деган А.Маҳмудов.

– Тўхтаб туринг, акажон, сотиб берман, – бунга ҳам кўнмаган Ж.Шопўлатов.

Жабранувчи бу ҳақда дастлаб Жамшиднинг ота-онасига айтади. Барибир ўзгариш бўлмайди. Ж.Шопўлатов Абдухалилдан яшириниб юради.

Суд ишдаги барча ҳолатларга қонуний баҳо берди. Ж.Шопўлатовга ЖКнинг бир қатор моддалари билан айбдор деб топилди, ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибиде жиноят ишлари бўйича Сергели тумани судининг 2017 йил 4 январдаги ҳукми билан тайинланган қўшимча жазонинг ўталмай қолган қисмини тўлиқ қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 11 ой 23 кун муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан ҳамда 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Д.ДАДАХОНОВА,
Жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди судьяси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Юнособод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 07.03.2018 йилда 587793 рақами билан рўйхатдан ўтган "DIYORBEK QUALITY GROUP" хусусий корхонаси (манзил: Тошкент ш., Юнособод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 16-уй, 36-хонадон (СТИР 305391136) таъсисчисининг 25.04.2019 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддат давомида куйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: (94) 675-42-35.

Чилонзор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 25.07.2018 йилда 624920 рақами билан рўйхатдан ўтган "ROYAL OF ALBIOM" МЧЖ, манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14-уй (СТИР 305669230) таъсисчисининг 25.04.2019 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддат давомида куйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: (90) 996-22-01.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 17.03.2015 йилда № 004678-06-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "WHITE HORSE TRADING SERVICE" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 303263177)

ТУГАТИЛАДИ

Асос 23.04.2019 йилдаги 1-04 рақамли таъсисчи қарори. Даъво ва аризалар 2 ой муддат давомида (+99898)125-00-30 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент иқтисодий коллежи томонидан 2018 йилда Тўлқунов Шамшод Жамшид ўғли номига берилган К № 5308922 рақамли (2971-рўйхат рақамли) диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳридаги бошқармаси томонидан 21.12.1994 йилда Тошкент ш., Яшнобод тумани (аввалги Ҳамза тумани) Фиждудон кўчаси, 66-уй, "Шоусмон-ота" корхонаси Шоусмонов Шомансур Кучқорович номига берилган Мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи № 1753 рақамли Давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



ДОНО СЎЗ – ДИЛ ЗИЙНАТИ

Қадринг тик – дилингда йўқ зарра армон,
Ҳасратинг чеки йўқ – қад бўлгач камон.

Умрингни совурма елга ҳеч қачон,
Нафисиз ўтган лаҳза – мангулик армон.

Англагил, қиммат беҳикмат бўлмас,
Хушёр бўл, арзон беиллат бўлмас.

Хаётнинг устун инсондир азал,
Инсонга нима бор ошёндан афзал?!

Яшасанг, бир умр тер тўкиб ҳалол,
Муборак номинг топмагай завол.

Нон-ошинг бисёру, фаёзли хонадон,
Бундан ортиқ нима хоҳлайсан, инсон?

Фасллар айланар йил қўшигин айтиб,
Лекин ўтган умрим келмайди қайтиб.

Яшаш бир лаҳзалик, ҳаёт абадий,
Ҳаёт ширин деган баёт абадий.

Дўст бўлсанг, меҳринг бер дилимга маним,
Садоқат қўшигин тилимга маним.

Умид – йўлларингда нурдек порлайди,
Янги довлонларга мудом чорлайди.

Кўзлар дил тубидан сўзлайди ўртоқ,
Ҳалоллик белгиси қафтдаги қадоқ.

Кексайдим деганлар қилурлар хато,
Юрак урар экан яшаш муддао.

Тинчликнинг қадрига етгин ватандош,
Тинчлик булутларни порлатар қуёш.

Темур УБАЙДУЛЛО

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент давлат шарқшунослик институти томонидан 1997 йилда Ражабов Олим Махсимович номига берилган № 193900 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Олмазор политехника ва стандартлаштириш касб-ҳунар коллежи томонидан 2007 йилда Пулатова Азиза Батировна номига берилган К № 769057 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент фармацевтика институти томонидан 30.01.2019 йилда Аллев Асрар Эргашкулович номига берилган 15777 қайд рақамли малака ошириш тўғрисидаги сертификат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Тошкент шаҳрида 1 май куни ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёниб, момақалдироқ бўлади. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 10-12, кундузи – 22-23 даражага илғқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг об-ҳаво шариоити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имкониёт яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@uamail.uz

Буюртма Г-4 46

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2142 нусхада босилди. Қозғов бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15:00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13:00